

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10846886>

**Закурлаев Абдумутал Каримович**

*“Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори ю.ф.д., профессор*

**Бабабеков Нодир Джурабаевич**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси*

*Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада хорижий давлатларнинг махсус билимлардан фойдаланиш тизими ва илғор тажрибалари ўрганилган ва умумлаштирилган. Ўрганиш натижаларига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида нодавлат суд экспертлари ва хусусий экспертлар ўз фаолиятини ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар (уюшмалар) доирасида амалга оширишларини, ҳозирда бутун Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассисларини бирлаштирувчи уюшмалар тузиш масаласи муҳокама қилинаётганини инobatга олган ҳолда, Республикада нодавлат-нотижорат ташкилоти шаклидаги Суд экспертлари палатасини ташкил этиш таклиф қилинган. Шунингдек, мутахассис ёки суд экспертнинг малакасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича ижобий хорижий тажрибалар асосида, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига суд экспертнинг малакасига оид тегишли қўшимча киритиш таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** мутахассис, суд эксперти, нодавлат суд экспертлари, хусусий эксперт, мутахассисларини бирлаштирувчи уюшмалар, суд экспертлари палатаси, суд эксперти ва мутахассиснинг малакаси.

## **СООБЩЕСТВА СПЕЦИАЛИСТОВ И СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТОВ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

**Аннотация:** В статье изучена и обобщена система использования специальных знаний и передовой опыт зарубежных стран. По результатам исследования и учитывая, что в странах Европейского союза негосударственные судебные эксперты и частные эксперты осуществляют свою деятельность в рамках саморегулируемых организаций (объединений), а также так как в данное время обсуждается вопрос о создания организаций, объединяющих специалистов всех стран Европейского союза, предлагается создать в республике палату судебных экспертов в форме некоммерческой организации. Также на основе положительного зарубежного опыта определения и оценки квалификации специалиста или судебного эксперта предложено внести в Закон Республики Узбекистан “О судебной экспертизе” соответствующее дополнение, касающееся квалификации судебного эксперта.

**Ключевые слова:** *специалист, судебный эксперт, негосударственные судебные эксперты, частный эксперт, организация объединяющий специалистов, палата судебных экспертов, квалификация судебного эксперта и специалиста.*

## COMMUNITIES OF SPECIALISTS AND FORENSIC EXPERTS: FOREIGN EXPERIENCE

**Annotation:** *The article examines and summarizes the system of using special knowledge and best practices of foreign countries. Based on the results of the study and taking into account that in the countries of the European Union, non-governmental forensic experts and private experts carry out their activities within the framework of self-regulatory organizations (associations), as well as since the issue of creating organizations uniting specialists from all countries of the European Union is currently being discussed, it is proposed to create a chamber of forensic experts in the republic in the form of a non-profit organization. Also, on the basis of positive foreign experience in determining and evaluating the qualifications of a specialist or a forensic expert, it is proposed to make an appropriate addition to the Law of the Republic of Uzbekistan "On Forensic examination" concerning the qualifications of a forensic expert.*

**Keywords:** *specialist, forensic expert, non-governmental forensic experts, private expert, organization uniting specialists, chamber of forensic experts, qualification of a forensic expert and specialist.*

Хорижий давлатларда махсус билимлардан фойдаланиш тизимида ўзига хос хусусият – махсус билимларга эга шахслар – мутахассислар ва суд экспертлари ҳамжамиятини бошқариш ҳамда уларнинг фаолиятини методик таъминлаш масалалари бўйича қонунчиликнинг мавжудлигидир.

Европа Иттифоқи мамлакатларида нодавлат суд экспертлари ва хусусий экспертлар ўз фаолиятини ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар (уюшмалар) доирасида амалга оширадилар, бу каби уюшмаларнинг бошқалардан фарқлаш асос махсус билимлар соҳасининг бир хиллиги ҳисобланади.

Бу каби уюшмаларни очик (битта ташкилот доирасида тегишли сертификатга эга мутахассисларни, маълум бир соҳанинг бошқа шахсларини, шунингдек, ўз билимларини оширишни истаган барча шахсларни бирлаштиришга рухсат берилади) ва ёпиқ (фақат тегишли сертификатга эга мутахассисларни иштирокига рухсат берилади) турларга таснифланиши мумкин. Очик уюшмалар Германия, Франция экспертиза тизимида (La Federation Frangaise des Experts en Evaluation) [1] хос, масалан, Нидерландия учун эса ёпиқ (Netherlands Register of Court Experts, NRGD) [2] уюшмалар хос ҳисобланади.

Германия ва Францияда экспертларга ўз фаолиятини очик уюшмалар доирасида амалга ошириш имкониятини бериш, фикримизча, Германия Жиноят-процессуал кодексининг 73-моддаси биринчи қисмига мувофиқ [3], экспертизани тайинлаш

ваколатига суд муҳокамаси жараёнида мустақил ва ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлмаган суд ягона субъект эканлиги билан боғлиқ (шунга ўхшаш қоида Франция Жиноят-процессуал кодексининг 156-моддасида назарда тутилган [4]).

Европа Иттифоқи давлатлари учун умумий тенденция суд экспертларини билим соҳалари бўйича уюшмаларга бирлаштириш ҳисобланади, шунингдек, охири пайтларда бутун Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассисларини бирлаштирувчи уюшмалар тузиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги вақтда бундай халқаро уюшмалар ихтиёрий равишда тузилмоқда ва фаолият кўрсатмоқда, масалан, The European Group of Valuers' Associations [5].

Таъкидлаш жоизки, Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон қарори билан Республикада нодавлат суд экспертиза ташкилотларини ташкил этишга руҳсат берилган [6]. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарори билан “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган. Ушбу низомга кўра, “Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишлари бўйича суд экспертизасини ўтказишга ихтисослаштирилган, штатида суд эксперти сертификатига эга мутахассислар бўлган ташкилот ҳисобланади” [7].

Суд экспертларини уюшмалари хорижий давлатлардаги ижобий фаолиятини инобатга олиб, Республикада нодавлат-нотижорат ташкилоти шаклидаги Суд экспертлари палатасини ташкил этиш лозим.

Суд экспертларининг палатасини ташкил этиш амалиёти Қозоғистон Республикасида ҳам мавжуд, жумладан, 2010 йил 20 январдаги 240-IV-сонли “Қозоғистон Республикасида суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-боби “Қозоғистон Республикаси суд экспертлари палатаси” деб номланган бўлиб, Қонуннинг 25-29-моддаларида Палатанинг бошқарув органлари, Палата низоми, Палатанинг ваколатлари ҳамда ҳудудий палатанинг ваколатлари ҳақида нормалар белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига, ўзига суд экспертлари палатаси ва унинг асосий вазифалари ҳамда ушбу палатанинг органлари ва мансабдор шахслари каби масалаларни олган қуйидаги мазмундаги янги моддаларни киритиш таклиф қилинади:

“32-модда. Суд экспертлари палатаси

Суд-экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертларининг аъзолиги асосида, нодавлат-нотижорат ташкилоти шаклидаги Суд экспертлари палатаси ташкил этилиши мумкин. Палатага нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва

хусусий суд эксперти ихтиёрийлик асосида аъзо бўлиши мумкин. Палата ўзини ўзи бошқариш ягона тизимида фаолият кўрсатади ва ҳудудий тузилмаларини ҳам ташкил этиши мумкин. Палатанинг вазифалари ва ваколатларига турдош бўлган бошқа ташкилотлар ташкил этилишига йўл қўйилмайди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд эксперти Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертнинг мажбуриятлари бўйича эса Палата жавоб бермайди. Палатанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари унинг аъзолари учун мажбурийдир. Палата фаолиятини молиялаштириш Палата конференцияси томонидан миқдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади”;

“33-модда. Палатанинг асосий вазифалари

Суд экспертлари палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек қонун ҳужжатларининг бир хил тарзда қўлланилишига доир таклифлар ишлаб чиқиш; нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертнинг ролини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва касбий тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанишини ташкил этиш; нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд эксперти фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини ўзаро тарғиб қилиш ҳамда уларга ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; эҳтиёжга кўра услубий қўлланмалар билан таъминлашга кўмаклашиш; аҳолининг ҳуқуқий билимларини ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш; ўз аъзоларининг қонуний манфаатларини давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолатларда ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш; тегишли қонун ҳужжатларига, суд экспертнинг касб этикаси қоидалари ва касбий мажбуриятларга, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд эксперти томонидан риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, хизмат текширувлари ўтказиш, шунингдек нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида малака комиссияларига таклифлар киритиш; тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан суд-экспертлик фаолияти масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш”;

“34-модда. Суд экспертлари палатасининг органлари ва мансабдор шахслари

Палатанинг конференцияси палатанинг юқори органи бўлиб, заруратга кўра, бироқ беш йилда камида бир марта чақирилади. Палата бошқаруви Палатанинг уставига мувофиқ нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий

суд экспертлари орасидан сайланадиган ижро этувчи орган бўлиб, Палатанинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади. Палатанинг тафтиш комиссияси молиявий назорат органи бўлиб, Палата уставига мувофиқ шакллантирилади. Палата раиси Палата конференцияси томонидан беш йил муддатга сайланади. Айтилган бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Палата раиси бўлиши мумкин эмас. Палата раисини лавозимидан муддатидан олдин чақириб олиш Палатанинг уставига белгиланган ҳолларда Палата конференцияси томонидан амалга оширилади”.

Ушбу қоидалар Республикамизда суд экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат суд экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертларнинг фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун мутахассисни топишни осонлаштириш, илмий-техник тараққиётдаги ўзгаришларга нисбатан тезкор муносабат билдириш, янги техника ва техникаларни тезкор баҳолаш имконини яратиш, суд экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат суд экспертиза ташкилотлари суд экспертлари ва хусусий суд экспертлари фаолиятини назоратни амалга ошириш ҳамда бу фаолиятни услубий таъминотини самарали ташкил қилишга хизмат қилади.

Жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишда муҳим масала – махсус билимларга эга бўлган шахс – суд экспертнинг мақоми масаласи эътиборни тортади.

Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларида ўзига хос экспертиза тизими мавжуд бўлиб, унга кўра, агар ушбу соҳада сертификатга эга бўлган бошқа мутахассислар бўлмаса, малака сертификатига эга бўлмаган шахс суд жараёнида иштирок этиши мумкин. Масалан, Франция Жиноят-процессуал кодексининг 157-моддаси иккинчи хатбошисига мувофиқ, фақат истисно ҳолатларда суд, асосли қарор асосида суд эксперти мақомида рўйхатдан ўтмаган шахсни эксперт сифатида тайинлаши мумкин [4].

Германия Жиноят-процессуал кодексининг 73-моддаси иккинчи қисмида, агар махсус билимлар соҳасида хулосалар беришга ваколатли мутахассислар мавжуд бўлса, бошқа шахслар суд томонидан фақат махсус ҳолатлар талаб қилган тақдирда тайинланиши мумкин (шунга ўхшаш қоида Германия Фуқаролик-процессуал кодексининг 404-моддаси иккинчи қисмида ҳам назарда тутилган) [3]. Шунинг таъкидлаш керакки, Германияда фуқаролик процессини амалга ошириш жараёнида Германия Фуқаролик-процессуал кодексининг 404-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, суд томонларга ўз хоҳишига кўра эксперт танлашни таклиф қилиши мумкин. Агар, томонлар бу масалада ягона фикрга келсалар, ушбу танланган шахсни суд экспертиза сифатида тайинлайди. Бироқ, бу қоида айрим истисно қилувчи ҳолатлардагина қўлланилади [8].

Словения Жиноят-процессуал кодексининг 249-моддаси тўртинчи қисмида суд экспертлари реестрига киритилмаган эксперт суд томонидан фақат рўйхатдан ўтган шахс мавжуд бўлмаган тақдирдагина, агар экспертизани тайинлашда кечикиш ишни

кўриб чиқиш учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса ёки бошқа истисно ҳолатлар мавжуд бўлса, тайинланиши мумкин деган қоида белгиланган [9].

Таъкидлаш керакки, дунёнинг турли хил ҳуқуқий тизимларида экспертнинг ҳуқуқий мақоми турлича тартибга солинади. Турли мамлакатларда экспертнинг ёки мутахассиснинг мақоми “гувоҳ”, “ўзига хос гувоҳ” тоифаларидан то “аниқ ҳолатлар судьяси”, “илмий судья” тоифаларигача бўлиши мумкин. Масалан, АҚШда Федерал исботлов қоидалари (The Federal Rules of Evidence - FRE)да “эксперт-гувоҳ” (“expert witness”) тушунчаси назарда тутилган [10]. Яъни, “эксперт гувоҳ” эксперт вазифасини бажарадиган гувоҳдир ва унинг фикри суд томонидан далил сифатида қабул қилинади. “Эксперт гувоҳ”нинг далиллари бошқа “эксперт гувоҳ”ларнинг далиллари ёки бошқа кўрсатувлар, далиллар ва ҳолатлар билан рад этилиши мумкин.

Польша қонунчилигида “эксперт” ёки “суд экспертизаси” тушунчаларига таъриф берилмаган. Польшада эксперт шартли равишда, тегишли қарор қабул қилиш зарур бўлганда суд ёки прокурор мурожаат қиладиган “касбий билимларнинг ташқи воситаси” сифатида кўрилади [11].

“Польшада, жиноят процессида эксперт мақомини акс эттирувчи тўртта асосий тушунча мавжуд: 1) “илмий судья”; 2) “суд эксперти - судьянинг ёрдамчиси”; 3) “суд эксперти – гувоҳ”; 4) “суд эксперти – одил судловнинг мустақил иштирокчиси” тушунчалари” [12].

Кўриниб турибдики, суд эксперти ва мутахассиснинг малакасини аниқлаш ва баҳолаш муаммоси ҳозирги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Масалан, АҚШда ҳам эксперт ва мутахассиснинг малакасини, ҳуқуқий мақомини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, англо-саксон ҳуқуқий тизимига кирувчи ушбу давлатнинг ҳуқуқий тизимидаги – суд прецедентининг мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, суд прецеденти қоидаси ва Америка Штатларига берилган қонунчилик ташаббуси ваколати билан боғлиқ бўлган қонунларнинг тўлиқ тизимининг мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётини осонлаштиради.

Эксперт хулосалари ёки мутахассис фикрини, шунингдек экспертларнинг малакаларини баҳолаш масаласида АҚШ англо-саксон ҳуқуқи тизимининг, тартибга солиш далиллар тўғрисидаги махсус қонунлар (Federal Rules of Evidence - Федерал далиллар қоидалари) орқали амалга ошириладиган тамойилларига амал қилади. Дастлабки босқичда (чегарадан ўтиш деб аталадиган), экспертнинг ваколати ва малакалари судья томонидан баҳоланади ва текширув натижаларига кўра [13] махсус билимларга эга бўлган шахсни эксперт сифатида тан олиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Далиллар тўғрисидаги федерал қонуннинг 702-сонли қоидасига мувофиқ (Rule 702. Testimony by expert witness [14]) судья томонлардан бирининг вакили бўлган шахснинг билими, маҳорати, тажрибаси, касбий тайёргарлиги ёки маълумотини ўрганади ҳамда шу тариқа ушбу шахс эксперт хулоса шаклида ёки бошқа йўл билан гувоҳлик бера оладими (йўқлигини) ҳал қилади.

Судьянинг экспертнинг малакасини баҳолаши жараёнида, экспертнинг тугалланмаган олий маълумотга эга бўлмасдан тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши мумкинлиги диққатга сазовордир ҳамда натижада судья томонидан бундай шахс ушбу жараёнда иштирок этиш учун маъқулланади [13].

Мутахассислар ва экспертларнинг малакасини баҳолаш ёки АҚШ ҳуқуқшуносларининг фикрича, “далилнинг оғирлиги”ни аниқлашнинг навбатдаги босқичи ҳакамлар ҳайъати томонидан ўтказиладиган баҳолаш ҳисобланади. Улар “Эксперт далиллари”ни ишдаги бошқа далиллар билан таққослаш имкониятига эга, шунингдек, бу жараёнда рақиб – бошқа мутахассис ёки суд эксперти ҳам иштирок этиши мумкин. Суд жараёнида эксперт ўз хулосасини оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этади, бунда оғзаки шаклда тақдимотлар иложи бориша суд ва томонлар учун тушунарли ва қулай услубда берилиши керак [15].

Кўриниб турибди-ки, хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида эксперт ва мутахассисларнинг малакаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон қарорида суд экспертизаси соҳасида қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларини тамомлаган шахсларга уларнинг касбий лаёқатини ва суд экспертларига тегишли ихтисослик бўйича қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи суд эксперти сертификати берилиши назарда тутилган [6].

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига қўйидагича янги банд киритиш мақсадга мувофиқ бўлади: “суд экспертнинг малакаси – маълум бир турдаги экспертиза объектларини ўрганиш учун махсус тайёргарликдан ўтиш орқали касбий маълумотга эга бўлган шахс томонидан олинган назарий билим, амалий кўникмаларнинг мажмуи”.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон Фармонининг 10-бандида нодавлат суд экспертларини аттестациядан ўтказиш ҳамда суд эксперти касб этикаси қоидаларини белгилаш ва уларга риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш юкланган. Юқоридаги таклиф билан суд экспертлари томонидан касб фаолиятдан келиб чиқадиган муносабатларнинг характерини таъминлаш ва уларни маълум бир қоидалар, яъни касб этикаси асосида иш фаолиятини юритишига замин яратилади.

#### **ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:**

1. La Federation Frangaise des Experts en Evaluation [Электронный ресурс]. - Режим доступа: URL: <http://www.ffee.fr>.
2. Netherlands Register of Court Experts [Электронный ресурс]. - Режим доступа: URL: <http://www.nrgd.nl>.

3. The German Code of Criminal Procedure [Электронный ресурс]: URL: [http://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stpo/englisch\\_stpo.html](http://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo/englisch_stpo.html).
4. The Code of Criminal Procedure of France [Электронный ресурс]: URL: <http://legislationline.org/download/action/download/id/1674/file/848f4569851e2ea7eabfb2ffcd70.htm/preview>.
5. The European Group of Valuers Associations [Электронный ресурс]. - Режим доступа: URL: <http://www.tegova.org>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарори. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 07/19/4125/2510-сон; 24.02.2021 й., 06/21/6176/0156-сон. // <https://lex.uz/docs/4172023>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 апрелдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарор. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон, 22.11.2021 й., 09/21/706/1080-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон. // <https://lex.uz/docs/4774077>.
8. Sven Timmerbeil The Role of expert witnesses in German and U.S. civil litigation [Электронный ресурс]: URL: <http://digitalcommons.law.ggu.edu/annlsurvey/vol9/iss1/8>.
9. Criminal Procedure Act of the Republic of Slovenia (2006) [Электронный ресурс]: URL: <http://legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.
10. «Особливості судово-експертної діяльності в Україні та США», Лакуста О.М., 2018 р., [https://dsum.edu.ua/upload/doc/konf\\_27.02.2018\\_3.pdf](https://dsum.edu.ua/upload/doc/konf_27.02.2018_3.pdf);
11. «Процесуальний статус експерта у кримінальному провадженні: польський досвід», Дуфенюк О.М., Порівняльно-аналітичне право, [http://www.pap.in.ua/2\\_2017/50.pdf](http://www.pap.in.ua/2_2017/50.pdf);
12. «Досвід Польщі стосовно участі судового експерта у кримінальному провадженні», Дуфенюк О.М., Науковий вісник 15.02.2018р., [http://www.2.lvduvs.edu.ua/documents\\_pdf/visnyky/nvsvy/01\\_2018/30.pdf](http://www.2.lvduvs.edu.ua/documents_pdf/visnyky/nvsvy/01_2018/30.pdf);
13. National Research Council. Strengthening Forensic Science in the United States: A Path Forward. Washington, DC: The National Academies Press, 2009. – 348 p. <https://doi.org/10.17226/12589>.
14. Federal Rules of Evidence / Rule 702. Testimony by expert witness. [https://www.law.cornell.edu/rules/fre/rule\\_702](https://www.law.cornell.edu/rules/fre/rule_702).
15. Howes L.M., Kirkbride K.P., Kelty S.F., Julian R., Kemp N. Forensic scientists conclusions: How readable are they for non-scientist report-users? // Forensic Science International. 2013. Vol. 231. No. 1–3. P. 102–112. <http://doi.org/10.1016/j.forsciint.2013.04.026>.